

Ватан посбонлари байрам билан қутланди



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 32 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан Термиз туманидаги қатор ҳарбий қисмларда байрам тадбирлари ташкил этилди.

Тадбирларда туман ҳокими Шухрат Назаров иштирок этиб, ҳарбий қисмлар шахсий таркиблари ҳамда ҳарбий хизматчиларни байрам билан табриклади. Туман ҳокими ўз сўзида ҳарбий хизматчиларимиз – осойишта юртимиз посбонларига шарафли ва машаққатли хизмат фаолиятларида муваффақиятлар тилади.

Ҳарбий қисмлар учун туман ҳокимлигининг байрам совғалари тантанали топширилди.